

## ФОРС-МАЖОР – ШАРТНОМАВИЙ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛИШ АСОСИ СИФАТИДА

**Топилдиев Баҳромжон**

Тошкент давлат юридик университети  
Фуқаролик хуқуқи кафедраси профессори, ю.ф.д.

### АННОТАЦИЯ

Мақолада форс-мажор юридик жавобгарликдан озод қилиши асоси таҳлил қилинган. Шунингдек, форс-мажорни натижасида томонларнинг турли савдо шартномалари бўйича мажбуриятларини бажариш шартлари ва имкониятларига таъсир кўрсатиши кўриб чиқилади. Шу муносабат билан тадбиркорлик субектларини форс-мажор ҳолатлари туфайли мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилиши масалалари ўрганилади. Мақолада форс-мажор ҳолатларини енгид бўлмас куч деб эътироф этишига асос бўладиган факт, енгид бўлмас куч деб тан олиниши керак бўлган ҳолатлар ва мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилиши сабаблари таҳлил қилинади. Айрим ҳолларда шартномаларда форс-мажор ҳолатлари шартнома мажбуриятидан озод қилиши учун сабаб сифатида кўрсатилсада, аксарият ҳолларда хўжалик юритувчи субектлар шартномаларда форс-мажор ҳолатлари деб эътироф этиладиган ҳолатларни алоҳида кўрсатиб ўтмайди. Мақолада форс-мажор ҳолатларига оид шартлар мавжуд бўлган шартномалар нисбати аниланади.

**Калим сўзлар:** форс-мажор, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик, шартнома.

## ФОРС-МАЖОР - КАК ОСНОВАНИЕ ДЛЯ ОСВОБОЖДЕНИЯ ОТ ДОГОВОРНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ

**Топилдиев Б. Р.,**

доктор юридических наук, профессор  
кафедры Гражданского права Ташкентского государственного  
юридического университета

### АННОТАЦИЯ

В статье анализируются основания освобождения от юридической ответственности в связи с обстоятельствами непреодолимой силы. Также рассмотрено влияние обстоятельств непреодолимой силы на условия и возможности выполнения сторонами своих обязательств по различным торговым соглашениям. В связи с этим будут изучены вопросы освобождения

*субъектов хозяйствования от ответственности за ненадлежащее исполнение обязательств вследствие действия непреодолимой силы. В статье проводится анализ того, что является основанием для признания обстоятельств непреодолимой силы обстоятельствами непреодолимой силы, обстоятельств, которые следует признать обстоятельствами непреодолимой силы, и оснований для освобождения от ответственности за ненадлежащее исполнение обязательств. В ряде случаев обстоятельства непреодолимой силы указываются в договорах как основание для освобождения от договорных обязательств, но в большинстве случаев хозяйствующие субъекты не указывают в договорах случаи, признаваемые обстоятельствами непреодолимой силы. В статье анализируется соотношение договоров с обстоятельствами непреодолимой силы.*

**Ключевые слова:** обстоятельства непреодолимой силы, гражданско-правовая ответственность, договор.

## КИРИШ

Шартномалар соҳасидаги мураккаб муаммолардан бири, халқаро олди-сотди шартномаларида шартномани бажаришда тўсқинлик пайдо бўлганда яққол кўринади. Бу муаммо “шартнома тузилган санадан кейин кутилмаган ҳодисалар туфайли мажбуриятни бажаришни қонуний ёки жисмонан имконсиз бўлиб қолиши ёки амалга ошириб бўлмайдиган ёхуд қимматга тушадиган қилиши, томонларнинг ҳар бири кутилган натижага эриша олмайдиган бўлганда” пайдо бўлади<sup>1</sup>.

Муайян шароитларда шартнома мажбуриятларини бажармаслик аксарият мамлакатлар қонунларида мавжуд. Барча юрисдикциялар ўз қонунларида бир нечта умумий хусусиятлар мавжуд ва унга куйидагилар киради: (1) вазият шартнома тузилгандан кейин юзага келган; (2) ҳеч бир томон жавобгар бўлмаган; ва (3) қонун томонидан ижро этиш имконсиз сабаб сифатида кўриб чиқилади<sup>2</sup>.

Форс-мажор ҳолатлари, қоида тариқасида, томонларни ўз мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарликдан озод қиласди. Яъни, мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун жарима ва пенядан озод қиласди. Форс-мажор ҳолатлари фуқаролик жавобгарлик механизмида муҳим восита бўлиб, умумий қоида тариқасида унинг чегараси ҳисобланади. Кўпинча

<sup>1</sup> Smit, Frustration of Contract: A Comparative Attempt at Consolidation, 58 COLUM. L. REV. 287 (1958) [hereinafter Smit].

<sup>2</sup> Schmitthoff, Frustration of International Contracts of Sale in English and Comparative Law, in some problems of non-performance and force-majeure on international contracts of sale 127, 128 (Int'l Ass'n of Legal Science, ed. 1961) [hereinafter Schmitthoff]

қонун матнининг ўзидан фуқаролик жавобгарлиги масалаларини аввало форс-мажор нима эканлигини аниқламасдан ҳал қилиш мумкин эмаслиги кўриниб туради. Шартнома мажбуриятлари лозим даражада бажарилиши керак ва мажбуриятлардан бир томонлама воз кечишга ёъл қўйилмайди. Фуқаролик қонунчилигига хукуқбузарлик содир этилган тақдирда хукуқий оқибатлар юзага келиши, шу жумладан жавобгарлик чоралари қўлланилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддасига мувофиқ, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонунчиликда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради. Қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни қўрганлигини исботласа, у айбиз деб топилади. Айбнинг йўқлиги мажбуриятни бузган шахс томонидан исботланади. Башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади. Қарздорнинг шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, қарздорда зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги бундай вазиятлар жумласига кирмайди<sup>3</sup>.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Хозирги вақтда деярли барча шартномаларда форс-мажор ҳолатлари тўгърисидаги банд мавжуд. Форс-мажор ҳолатлари – бу жавобгар шахс шартнома мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарликдан озод қилинадиган вазиятдир<sup>4</sup>. Халқаро тижорат амалиётига кўра, форс-мажор ҳолати одатда тан олиниши мумкин бўлган ҳодисаларнинг очиқ рўйхатига киритилади. Халқаро ва миллий шартномалар учун форс-мажор ҳолатларининг муайян талқини бўлиши лозим<sup>5</sup>. Қайд этиш лозимки, форс-мажор ҳолатлари фақат мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликдан озод қиласи (яъни, жарималар ва пенялар қўллашдан), бироқ тегишли шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди. Масалан, компания шартномада кўрсатилган муддатда товарларни этказиб бермаган бўлса, у кечиктирилганлик учун

<sup>3</sup> Национальная база данных законодательства, 30.03.2022 г., № 03/22/760/0249.

<sup>4</sup> Ерахтина О.С. Договорные условия о форс-мажоре и затруднительных обстоятельствах в предпринимательской практике // Законы России: опыт, анализ, практика. 2011. № 4. С. 65.

<sup>5</sup> Узденова А.А. Оценка рисков в туристской индустрии // Научный альманах. 2015. № 9 (11). С. 318-321.

жарималардан озод қилиш учун асос сифатида форс-мажор ҳолатларини кўрсатиши мумкин. Бироқ, форс-мажор ҳолатлари тарафни йэтказиб бериш мажбуриятидан озод қилмайди. Агар хўжалик юритувчи субъект форс-мажор ҳолатлари туфайли шартнома мажбуриятларини бажара олмайдиган вазиятга тушиб қолса, у тузган шартномалар қоидаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Улар, қоида тариқасида, форс-мажор ҳолатлари юзага келганда томонларнинг ҳаракатлари алгоритмини белгилайди ва бундай қоидаларга риоя қилмаслик келажакда форс-мажор ҳолатларига ҳавола қилишни имконсиз қилиши мумкин.

Демак, шартномада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги тўғърисида иккинчи томонни хабардор қилиш муддатлари;
- томонлар томонидан форс-мажор сифатида белгиланган ҳолатлар;
- форс-мажор ҳолатлари тўғърисидаги хабарни шакли ва воситалари;
- форс-мажор ҳолатларини тасдиқлаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар ва бунинг учун белгиланган муддат;
- форс-мажор ҳолатлари туфайли шартномадан бир томонлама воз кечиш ҳуқуқи тўғърисидаги қоидалар;
- форс-мажор ҳолатларида томонлар бажариши керак бўлган бошқа шартлар.

Агар шартномада форс-мажор ҳолатлари тўғърисидаги қоидалар мавжуд бўлмаса, Фуқаролик Кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларининг форс-мажор ҳолатлари туфайли жавобгарликдан озод қилиш имкониятини назарда тутувчи умумий қоидаларига риоя қилиш керак. Агар томонлардан бири форс-мажор ҳолатларида ҳаракатлар кетма-кетлигига доир барча шартнома шартларига риоя қилса, бу шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарликдан (жарима / пеня) озод этишга ёрдам беради.

Ҳар қандай форс-мажор ҳолатининг бошлангъич нуқтаси форс-мажор ҳодисасининг аниқ белгиланишидир. Баъзи шартнома шартларида форс мажор жеда кенг талқин этилади ва “оқилона назорат қилиб бўлмаган ҳар қандай ҳодиса ёки ҳолатлар” сифатида кўрсатилади. Аммо бу ёндашув ноаниқликка олиб келиши мумкин. Бошқа бир ёндашувга кўра уруш, зилзилалар ёки сув тошқинлари, террористик ҳаракатлар каби табиий оғатлар аниқ ва қатъий белгиланиши керак.

Агар томонлар форс мажор шртини белгиласада, бутунлай қутилмаган ҳодиса рўй берган бўлса, томонлар форс-мажор ҳолатлари билан ҳимояланмай қолишлари мумкин. Шу сабабли, форс-мажор ҳолатларининг қатъий рўйхатини

белгиловчи ҳодисалар рўйхатини акс эттирувчи тўлиқ шартларга эга бўлиш ва “барча ҳолатларни” қамраб олиш энг тўғри ёндашув бўлади/

Баъзи ҳолларда, янада аниқроқ бўлиши муайян ҳодисалар шартнома тарафларига нисбатан форс-мажор деб ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслигини кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Асосийси ҳодиса бошқа томоннинг назоратидан ташқарида бўлиши керак. Халқаро савдо палатаси томонидан ишлаб чиқилган форс-мажор ҳолатларининг намунавий шарти мавжуд<sup>6</sup>. Бунга шартномалар бўйича жавобгарликдан озод қилишга ёрдам берадиган ҳолатлар киради. Хусусан:

- табиий оғатлар;
- портлашлар;
- ёнгъинлар;
- машина ва қурилмаларнинг ишдан чиқиши;
- иш ташлашлар ва бошқалар.

Шунингдек, форс-мажор ҳисобланмайдиган ҳолатлар ҳам белгиланган бўлиб уларга рухсатномага эга бўлмаслик, лицензиялар шартлари бўлмаслиги, яшаш учун рухсатномалар (визалар) ёъқлиги кабилар киради<sup>7</sup>. Ҳозирда СОВИД-19 пандемияси муносабати билан кўплаб тадбиркорлик субъектлари шартномаларга пандемия муносабати билан жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи шартларни қўшмоқда. Одатда, шартномалар агар форс-мажор ҳолатлари 90 кундан ортиқ давом этса, шартномани бекор қилишни назарда тутувчи шартларни киритмоқда. Агар шартнома тарафлари форс-мажор ҳолатлари туфайли жавобгарликдан озод қилиш тўғърисида келиша олмасалар, томонлар судга мурожаат қилишлари мумкин. Судда форс-мажор ҳолатларига дуч келган томон қўйидаги масалалар бўйича далилларни тақдим этишга тайёр бўлиши керак:

- вазиятларнинг олдиндан кўра олмаганлиги. Яъни, шартномани тузиш вақтида ҳеч қандай форс-мажор ҳолатлари бўлмаганлиги ва тараф бундай ҳолатларнинг юзага келиши мумкинлиги тўғърисида билиши мумкин эмаслигини асослаши;
- вазиятнинг фавқулодда содир бўлганлиги. Яъни, ҳолатларнинг истисно эканлиги ва уларнинг хоҳишига бояғлиқ эмаслигини асослаш;
- шартнома мажбуриятларини бажаришнинг мумкин эмаслиги ва форс-мажор ҳолатлари ўртасидаги сабабий боғланиш. Бу йэрда тараф шартномани

<sup>6</sup> Типовая оговорка о форс-мажоре. М.: Консалт- банкир, 1997.

<sup>7</sup> Булеков М. Непреодолимая сила: сферы применения // Хозяйство и право. 2015. № 3 (458). С. 114-128.

бажаришнинг мумкин эмаслигини тасдиқловчи ҳар қандай далилларни тақдим этиши мумкин.

Шу ўринда қонунчиликдаги шартномавий жавобгарлиқдан озод қилиш асоси сифатида фор-мажор ҳолатлари билан боғлиқ ўзгаришларга ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Яъни Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 октябрдаги 625-сон қарори билан "Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламенти" тасдиқланган. Ушбу Регламент ташқи савдо битимлари, халқаро молия ёки инвестиция келишувлари ва халқаро шартномалар шартларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бошланган ёки бўлиб ўтган енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини тасдиқлаш бўйича давлат хизмати (кейинги ўринларда — давлат хизмати) кўрсатиш тартибини белгилайди. Ушбу Регламентга асосан енгиб бўлмайдиган кучлар — томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иктисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар (форс-мажор) дея таъриф берилиган. Енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини тасдиқлаш ваколатли орган ваколатли шахсининг электрон рақамли имзоси (кейинги ўринларда — ЭРИ) билан тасдиқланган ҳамда ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ электрон шаклда QR-код (матрик штрихли код) билан расмийлаштириладиган сертификат бериш орқали амалга оширилади.

Талабгор давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади ва ушбу Регламентга З-иловага мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон равишда тўлдиради ҳамда қуидаги хужжатларни юклайди:

шартнома(лар), қўшимча келишув(лар) (мавжуд бўлган тақдирда) ҳамда уларга спецификация(лар) нусхаси;

шартнома(лар) бўйича бажарилган мажбуриятларнинг ҳажмларини тасдиқловчи хужжатлар (банк томонидан қўчирилган маблағлар тўғрисида маълумотнома, ҳисобварақлар ва/ёки далолатномалар). Бунда хужжатлар шартнома(лар)нинг хусусиятидан келиб чиқиб тақдим этилади.

Талабгор ЯИДХПда сўровномани тўлдириб, ушбу хужжатларни юклагандан сўнг идентификация қилишнинг замонавий воситалари билан

(электрон рақамли имзо, мобил-ИД ва бошқалар) сўровномани юборишни тасдиқлайди.

Талабгордан ушбу бандда кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш қатъяян тақиқланади.

## **ХУЛОСА**

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, форс-мажор ҳолатлари мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлади. Шу билан бирга, аниқ ҳолатларни ва муайян шартнома талабларини белгилаш учун тегишли шартномани лозим даражада бажаришнинг имконсизлиги масаласи алоҳида таҳлил қилиниши зарур. Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада барча фавқулодда ва олдини олиб бўлмайдиган, шунингдек тарафларнинг жавобгарлигини истисно этадиган ҳолатлар назарда тутилган бўлса, форс-мажор ҳолатлари жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлади.

## **REFERENCES**

1. Smit, Frustration of Contract: A Comparative Attempt at Consolidation, 58 COLUM. L. REV. 287 (1958) [hereinafter Smit].
2. Topildiev, B., & Khursanov, R. (2021). Legal fact based on occurrence civil rights and obligations. *Ilkogretim Online*, 20(3).
3. Национальная база данных законодательства, 30.03.2022 г., № 03/22/760/0249.
4. Топилдиев, Б. Р. (2019). ОСОБЕННОСТИ ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ПЕРЕДАЧИ ПРЕДПРИЯТИЯ В ДОВЕРИТЕЛЬНОЕ УПРАВЛЕНИЕ. ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ ОБЩЕСТВЕННЫХ ОТНОШЕНИЙ, 29-33.
5. Ерахтина О.С. Договорные условия о форс-мажоре и затруднительных обстоятельствах в предпринимательской практике // Законы России: опыт, анализ, практика. 2011. № 4. С. 65.
6. Топилдиев, Б. Р. (2017). Основные условия договора доверительного управления имуществом. *Юрист*, (9), 15-19.
7. Узденова А.А. Оценка рисков в туристской индустрии // Научный альманах. 2015. № 9 (11). С. 318-321.
8. Типовая оговорка о форс-мажоре. М.: Консалт- банкир, 1997.
9. Булеков М. Непреодолимая сила: сферы применения // Хозяйство и право. 2015. № 3 (458). С. 114-128.
10. ЮЛДАШЕВ, Ж. (2023). АКЦИЯДОРЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА

РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ. ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ, 3(1), 34-39.

11. Azimjon Abdumo'min o'g, I. (2023, January). IJARA SHARTNOMASI OBYEKTI. In *Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences* (Vol. 2, No. 1, pp. 161-165).
12. Yuldashev, J. (2023). Step-by-step development of jointstock companies in Uzbekistan. *Eurasian Research Bulletin*, 16, 114-118.
13. Юлдашев, Ж. (2022). АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ ЛАЁҚАТИ (НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МУШОҲАДА). *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10), 1245-1252.
14. Ibrohimov, A. A. M. O. G. (2023). IJARA MUNOSABATLARIDA IJARA HAQINI TO'LASH BILAN BOG'LIQ MASALALAR. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(2), 607-612.
15. Schmitthoff, Frustration of International Contracts of Sale in English and Comparative Law, in some problems of non-performance and force-majeure on international contracts of sale 127, 128 (Int'l Ass'n of Legal Science, ed. 1961) [hereinafter Schmitthoff]